ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий электрон журнал

ПРАВОСУДИЕ

Правовой, научно-практический электронный журнал

A FAIR TRIAL

Legal, scientific and practical electronic journal

Қонун ҳужжатлари
Суд қарорлари
Суд амалиёти
Суд очерклари

Законодательные акты
Судебные решения
Судебная практика
Судебные очерки

Legal documents
Court decisions
Judicial practice
Court essays

2
2026

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

2/2026 **ISSN 2181-8991**

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий электрон журнал

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бахтияр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Маликахон КАЛАНДАРОВА
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ
Нодира ХАКИМОВА
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Замира ЭСАНОВА
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

ⓚ Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.
Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.
Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.
Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 апрелдаги 315/5-сонли қарори билан юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (PSc) илмий даражаси бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Ҳ/р 20210000300101763001
«Даврбанк» ХАТБ Олмазор филиали
Келес банк хизматлар маркази
МФО 01121, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

E-mail: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz
Telegram: https://t.me/ODsud

НАШР ИНДЕКСИ – 909

2021 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

© **«Одил судлов»**

OILA VA HUQUQ

О. Тошев. Аёлни эрга тегишга мажбурлаш ёки тўсқинлик қилиш жиноятининг умумий тавсифи.....4

JINOYAT IJRO HUQUQI VA JARAYON

У. Мирзатиллаев, К. Рихсимов. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш тизимини либераллаштиришнинг ҳуқуқий-амалий жиҳатлари.....14

MA'MURIY PROTSESSUAL HUQUQ VA JARAYON

Г. Рахимова. Маъмурий судларда давлат органлари – прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари.....23

TO'LOVGA QOBILIYATSIZLIK

С. Мадартов. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар фаолиятини такомиллаштириш масалалари.....27

SUD BUYRUG'I

Ф. Миров. Суд томонидан берилган суд буйруғи бекор қилинганда янгидан берилган даъво бўйича даъво муддатини қўллаш масалалари ва хорижий тажриба.....30

SHAXS DAXLSIZLIGI

А. Ёқубжонов. Шаън, қадр-қиммат, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва шахсга доир маълумотлар: қонунчилик, амалиёт, муаммо ва ечим.....33

BOLA HUQUQLARI

N. Sultonov. «Bola huquqlari» tushunchasi va bolalar ombudsmaniga oid ayrim masalalar.....40

А. Садиров. Бола – давлатнинг келажаги, пойдевори.....46

XALQARO TAJRIBA

Б. Худойбердиев. Қуролли кучлар ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари (Озарбайжон Республикаси мисолида).....49

DASTLABKI HUQUQIY BAHO

С. Садриддинзода. Дастлабки ҳуқуқий баҳо: тушунча, аҳамияти ва амалий жиҳатлари.....56

MUNOSABAT

A. Ro'ziyev. Favqulodda vaziyatlarning me'yoriy-huquqiy asoslari va ularning oqibatini bartaraf qilish.....60

TAQRIZ

О. Нарзуллаев. «Энергетика ҳуқуқи» (Тақриз).....61

KITOBXONLIK

З. Мўминова. Болага китоб беринг!.....63

МЕДИНСКОЕ СОГЛАШЕНИЕ

Ш. Рашидова. Мединское соглашение («мединская конституция»): теоретико-правовой анализ.....65

ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО

П. Хайитов. Вопросы правового и экологического обеспечения охраны окружающей среды в энергетической сфере.....75

ВЕЛИКИЕ КРИМИНАЛЬНЫЕ ДРАМЫ

Сто великих криминальных драм XX века.....82

LITIGATION AND ARTIFICIAL INTELLIGENCE

F. Ibratova. Implementation and use of artificial intelligence systems in civil proceedings. (Фуқаролик ишида сунъий интеллект тизимларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш).....86

RECOGNITION AND ENFORCEMENT OF RIGHTS

R. Sadullaeva. Examination of the legal framework for recognition and enforcement in Uzbekistan. (Ўзбекистонда ҳуқуқларни эътироф этиш ва қўллашнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш).....90

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Замонавий жиноят-ижроия сиёсатининг бош мақсади маҳкумни фақат жазолаш эмас, балки уни қайта тарбиялаш ва жамиятга фойдали шахс сифатида қайтаришдан иборат. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тизимининг либераллашуви инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим мезони бўлиб, у маҳкумларнинг қадр-қимматини сақлаш, руҳий ва жисмоний соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда оилавий алоқаларини тиклашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг инсоний муомалага бўлган ҳуқуқи ҳамда уларнинг шахсиятига хос шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш кафолати мустаҳкамланган. Мазкур конституциявий норма шахс озодликдан маҳрум этилган тақдирда ҳам унинг инсон сифатидаги ҳуқуқий мақоми сақланиб қолишини ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши шарт эканини англатади.

Ушбу қоидага кўра, озодликдан маҳрум қилиш жазоси шахснинг муайян ҳуқуқларини қонуний чеклашни назарда тутса-да, бу чекловлар инсон шаъни ва қадр-қимматини камситиш, шафқатсиз, шаънини таҳқирловчи ёки ғайриинсоний муомалага йўл қўйишга асос бўла олмайди. Аксинча, давлат жазони ижро этиш жараёнида маҳкумга нисбатан инсонпарвар муносабатни таъминлаш, унинг жисмоний ва руҳий дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Конституциянинг мазкур нормаси жиноят-ижроия қонунчилиги, хусусан, жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини тартибга солувчи қоидалар учун асосий мезон ва йўналтирувчи тамойил ҳисобланади. Бу норма жазони

АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноят-ижроия сиёсатининг инсонпарварликка йўналтирилиши, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жазони ижро этиш шароитларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Конституция нормалари, жиноят-ижроия қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, шунингдек миллий ва халқаро стандартлар, хусусан Нельсон Мандела қоидаларининг имплементацияси таҳлил қилиниб, статистик маълумотлар асосида озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш амалиётининг динамикаси очиб берилган.

Калит сўзлар: озодликдан маҳрум қилиш, жиноят-ижроия тизими, либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари, жиноят-ҳуқуқий сиёсат, маҳкумлар ҳуқуқлари.

* * *

В статье рассматриваются вопросы гуманизации уголовно-исполнительной политики, обеспечения прав и законных интересов осужденных, а также совершенствования условий исполнения наказаний. Анализируются конституционные нормы, изменения и дополнения, внесённые в уголовно-исполнительное законодательство, а также национальные и международные стандарты, в частности имплементация правил Нельсона Манделы. На основе статистических данных раскрывается динамика применения наказания в виде лишения свободы и оцениваются тенденции его использования в судебной практике.

Ключевые слова: лишение свободы, уголовно-исполнительная система, либерализация, права человека, уголовная политика, права осужденных.

* * *

The article examines the issues of humanizing criminal enforcement policy, ensuring the rights and legitimate interests of convicted persons, and improving the conditions for the execution of sentences. It analyzes constitutional provisions, amendments introduced into criminal enforcement legislation, as well as national and international standards, particularly the implementation of the Nelson Mandela Rules. Based on statistical data, the article reveals the dynamics of applying imprisonment sentences and assesses trends in their use in judicial practice.

Key words: imprisonment, penal enforcement system, liberalization, human rights, criminal policy, prisoners' rights.

ўташ шароитларини либераллаштириш, шаффофликни таъминлаш, назорат ва жавобгарлик механизмларини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар учун конституциявий пойдевор яратади.

Шу маънода, Конституциянинг 26-моддаси озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш соҳасида репрессив ёндашувдан воз кечиб, инсон ҳуқуқлари устуворлигига асосланган инсонпарвар ва ҳуқуқий давлат тамойилларини амалий таъминлашга қаратилган меъёр сифатида намоён бўлади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш амалиётда узоқ муддатли трансформация жараёни мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, 1998–2002 йиллар мобайнида республика судлари томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг жами жазолар таркибидаги улуши изчил камайиб борган.

Жумладан, 1998 йилда озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш Республика судларида 50,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 1999 йилда 48,8 фоизни, 2000 йилда 47 фоизни, 2001 йилда 43 фоизни, 2002 йилда 38,2 фоизни ташкил қилган [1].

Бу ҳолат ўша даврда жиноят-ҳуқуқий сиёсатда жазонинг муқобил турларини жорий этиш ва репрессив ёндашувни босқичма-босқич юмшатишга қаратилган тенденциялар шакллана бошлаганини англатади.

Сўнгги беш йилда судлар томонидан жами қўлланилган жазо турлари орасида озодликдан маҳрум қилиш жазосининг салмоғи ҳам кўпайган.

Жумладан, озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2020 йилда жами жазоларнинг 23,4 фоизини, 2021 йилда 27,1 фоизини, 2022 йилда 30 фоизини, 2023 йилда 29,7 фоизини, 2024 йилда 33,5 фоизини, 2025 йил 6 ойида эса 31,4 фоизини ташкил қилган [2].

Судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш амалиёти бошқа жазо турларига нисбатан салмоғи юқорилигини кўрсатмоқда.

Жумладан, судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2020 йилда 7 107 маротаба, 2021 йилда, 12 922 маротаба, 2022 йилда 17 610 маротаба, 2023 йилда 17 391 маротаба, 2024 йилда 20 655 маротаба, 2025 йилнинг 6 ойида эса, 9 570 маротаба қўлланилган [2].

Келтирилган статистик маълумотлар бир томондан, жиноят-ҳуқуқий сиёсатда инсонпарварлик тамойиллари қарор топганини ва муқобил жазо чоралари қўлланилиш доираси кенгайганини кўрсатса, иккинчи томондан, муайян жиноят тоифалари бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазосининг сақланиб қолган ва айрим даврларда ўсган улуши мазкур жазо турининг жамият учун хавфли жиноятларга нисбатан асосий жиноят-ҳуқуқий восита сифатидаги аҳамияти ҳали ҳам юқори эканини тасдиқлайди.

Шу боис, мазкур рақамлар озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш билан бир қаторда, уни ўташ тартибини либераллаштириш орқали жиноятчиликка қарши курашда самарали ва мутаносиб ёндашувни таъминлаш зарурлигини илмий жиҳатдан асослайди.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг жами жазолар таркибидаги салмоғининг ошиши, бир томондан, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига нисбатан давлатнинг қатъий муносабати, жамият хавфсизлигини

таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати кучайиб бораётгани билан изоҳланиши мумкин. Айниқса, айрим тоифадаги оғир ва такрорий жиноятлар бўйича суд амалиётида изоляция қилишга қаратилган жазо чоралари устувор қўлланилаётгани мазкур ҳолатни тасдиқлайди.

Шу билан бирга, қонунчилик эволюцияси таҳлили шуни кўрсатадики, 1995 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 45 та моддасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят учун ягона ва муқобили бўлмаган жазо тури сифатида белгиланган эди. Бу ҳолат ўша даврда жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг асосан репрессив хусусиятга эга бўлганини, яъни жиноятга қарши курашда жазолаш устувор ёндашув сифатида қўлланилганини англатади.

Ўтган йиллар давомида жиноятчиликка қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида 2026 йилга қадар киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида таҳрир қилинган Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ягона жазо тури сифатида назарда тутилган моддалар сони 34 тага қисқартирилди.

Мазкур камайиш жиноят-ҳуқуқий сиёсатда репрессив ёндашувдан воз кечиб, профилактика, қайта ижтимоийлаштириш ва жазони индивидуал белгилашга йўналтирилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилганини кўрсатади. Айниқса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил санкцияларни жорий этиш суд амалиётида адолатни таъминлаш, жазо муддатини ва турини шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мослаштириш имкониятини кенгайтирди.

Шу маънода, 1995 йилги 45 та моддадан (Жиноят кодексининг 97, 98, 99, 104, 118, 119, 120, 137, 150, 151, 152, 153, 154, 155, 156, 157, 158, 160, 161, 162, 163, 164, 165, 220, 221, 222, 230, 231, 235, 242, 243, 244, 245, 246, 247, 267, 272, 273, 278, 282, 286, 288, 289, 299, 300) 2026 йилдаги 34 та моддагача (Жиноят кодексининг 97, 103, 118, 119, 150, 151, 152, 153, 154, 155, 155^3, 157, 158, 160, 161, 164, 220, 221, 222, 242, 243, 244^2, 245, 246, 248^1, 255^1, 267, 278, 282, 286, 288, 289, 299, 300) бўлган қисқариш фақатгина рақамий ўзгариш эмас, балки жиноят қонунининг мазмунан янгиланиши, унинг инсонпарвар ва самарали ҳуқуқий механизм сифатида такомиллашганини ифодалайди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда жамият ҳаётининг тобора янгиланиб бораётган даврида Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан жазони ижро этиш тизимида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Бунда, кўп йиллар мобайнида жазоловчи, назорат қилувчи тузилма сифатида қаралган ички ишлар тизимини, энг аввало, халқ манфаатлари йўлида хизмат қиладиган идорага айлантириш асосий мақсад этиб белгиланди.

Бу борада, тизим ходимлари томонидан маҳкумлар билан мулоқотни умумэътироф этилган талаблар асосида олиб бориш, ҳар қандай шафқатсизлик ва ғайриинсоний хатти-ҳаракатларга чек қўйиш ҳамда кундалик хизмат фаолиятини «инсон омили» аралашувисиз ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларнинг суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида ва тергов органларининг шахсий қабулларида бевосита жойлашган жойидан иштирок этишини таъминлаш мақсадида, суриштирув ва тергов органлари ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ўртасида видеоконференцалоқа терминалларини боғлаш имконияти яратилди.

Хусусан, жазони ижро этиш колониялари ва тергов ҳибсхоналарида шахслар билан суд мажлиси ва тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш учун 56 та махсус хона ташкил этилди.

Бу, ўз навбатида, мустақил тергов ва суриштирув тизимини шакллантириб, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ва айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслигини қатъий таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 445-сонли қарори билан Жазони ижро этиш тизими ходимларининг шахсий видеорегистраторлар (бодикамералар) билан таъминланган ҳолда хизматни ўташ тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Унга кўра, жазони ижро этиш муассасаларида шахсий таркибнинг хизматни ўташ давомида видеорегистраторлардан (бодикамералардан) фойдаланиш тартиби;

жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ва жазони ижро этиш муассасаси ходимлари ўртасидаги мулоқотни видеорегистраторлар (бодикамералар) орқали қайд этиш тартиби;

маҳкумлар томонидан содир этилган тартиббузарликлар жараёнида видеорегистраторлардан (бодикамералардан) фойдаланиш тартиби;

видеорегистраторлардан (бодикамералардан) фойдаланиш даврида хавфсизликни таъминлаш юзасидан қўйиладиган талаблар тасдиқланди.

Мазкур нормалар жазони ижро этиш муассасаларида шаффофликни таъминлаш, хизмат жараёнида қонунийликка риоя этилишини мустаҳкамлаш ҳамда маҳкумлар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларда инсон ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилди.

Хусусан, бодикамералар орқали мулоқот ва тартиббузарликлар жараёнининг қайд этилиши маъмурий зўравонлик хавфини камайтириш, хизмат ваколатларининг суиистеъмол қилинишининг олдини олиш ҳамда низоли ҳолатларда объектив далил базасини шакллантириш имконини берди.

Бу эса, жазони ижро этиш тизимида репрессив ёндашувни чеклаб, ҳуқуқий назорат ва ҳисобдорликка асосланган инсонпарвар механизмларнинг қарор топишига замин яратди.

Шу маънода, мазкур қарор озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жараёнида хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган либераллашув сиёсатининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари доирасини янада кенгайтириш орқали, улар содир этган жинояти учун чин кўнгилдан пушаймон бўлиши ва жамиятнинг муносиб вакили сифатида шаклланишига эришилмоқда.

Хусусан, маҳкумларга сайлаш ҳуқуқи, пенсия таъминоти ва ижтимоий суғурта олиш, касб эгаллаш, таълим ва сифатли тиббий ёрдам олиш каби ҳуқуқлар берилди.

Ҳозирда мамлакатимизда ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум қилинганларнинг ҳолатини енгиллаштириш ва айрим фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланишга рухсат берилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-948-сонли қонунга асосан, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ ва суднинг ҳукми асосида маҳрум этилган бўлмаса, улар ушбу сайловларда ва референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди [3].

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-838-сонли Конституциявий қонуни билан Сайлов кодексига ўзгартириш киритилиб, унга кўра, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига асосан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкинлиги, бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги белгиланди [4].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасида ҳам оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар тегишли сайловларда ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ ва суднинг ҳукми асосида маҳрум этилган бўлмаса, улар ушбу сайловларда ва референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 24 августдаги «Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди [5].

Унга кўра, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахслар илк бор сайловчилар рўйхатига киритилиб, жазони ижро этиш муассасаларида сайлов участкалари ташкил этилди.

Ушбу ислоҳотлар мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш ва жазонинг асосий мақсадларидан бири бўлмиш шахснинг жиноий хулқ-атворини тузатиш ва келгусида жиноят содир этишининг олдини олишга қаратилган.

Бу тартиб маҳкумларни жамиятдан тўлиқ узиб қўймаслик, уларни фуқаролик ҳаётининг фаол субъекти сифатида сақлаб қолиш ҳамда қайта ижтимоийлаштириш жараёнини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Шу маънода, сайлов ҳуқуқининг таъминланиши озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жараёнини либераллаштиришнинг муҳим институционал элементи бўлиб, жиноят-ижроия тизимининг инсонпарвар, очиқ ва демократик тамойиллар асосида ривожланаётганини кўрсатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил 17 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган «Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари» (Нельсон Мандела қоидалари) миллий қонунчиликка имплементация қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги «Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-530-сонли қонуни қабул қилинди [6].

Нельсон Мандела қоидаларининг 122 тасидан 108 таси Жиноят-ижроия кодексида, 4 таси Жиноят-процессуал кодексида, 7 таси Президентнинг 2 та қарорида, 2 таси Вазирлар Маҳкамасининг 1 та қарорида ҳамда 1 таси «Ўзбекистон темир йўллари» АК ва ИИВнинг қўшма қарорида ўз ифодасини топди.

Мазкур қоидаларга асосан, маҳкумларга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

– маҳкумларга психологик ёрдам олиш ҳуқуқи берилди;

– тиббий ёрдамга муҳтож маҳкумларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштиришга рухсат берилди;

– оғир касалликка чалинган маҳкумларга телефон орқали қўшимча сўзлашишга, шифокорнинг рухсати билан учрашишга рухсат берилди;

– руҳий ҳолати бузилган вақтда маҳкум томонидан содир этилган тартиббузарлик учун интизомий жазо чоралари қўллаш амалиётини бекор қилиш назарда тутилган.

Ўз навбатида, маҳкумларга қариндошлари билан телефон сўзлашуви, йўқлов ва учрашувлар олиш сони қарийб икки бараварга кўпайтирилди.

Телефон сўзлашувлари умумий тартибда 6 тадан 12 тага, қаттиқ тартиблида 3 тадан 5 тага, махсус тартибли ва турмада 2 тадан 4 тага, тарбия колониясида 12 тадан 24 тага;

йўқлов (посылка) олиш умумий тартибда 6 тадан 12 тага, қаттиқда 4 тадан

8 тага, махсус ва турмада 3 тадан 6 тага, тарбия колониясида 6 тадан 12 тага;

қисқа муддатли учрашувлар умумий тартибда 4 тадан 6 тага, қаттиқда 3 тадан 5 тага, махсус ва турмада 2 тадан 4 тага, тарбия колониясида 6 тадан 24 тага;

узоқ муддатли учрашувлар умумий тартибда 4 тадан 6 тага, қаттиқда 3 тадан 5 тага, махсус ва турмада 2 тадан 4 тага, тарбия колониясида 6 тадан 8 тага кўпайтирилди.

Шунингдек, тергов ҳибсхоналари ва ёпиқ турдаги колонияларда адвокатлар учун алоҳида 69 та хоналар ташкил этилиб, Омбудсман ва Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳеч қандай монеликсиз кириши учун шароитлар яратилди.

Шунингдек, барча жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида махсус контингентнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун улар билан амалга оширилиши мумкин бўлган айрим процессуал ҳаракатлар ёки бошқа тадбирларни амалга ошириш мақсадида, видеокузатув воситалари билан жиҳозланган 49 та «Сўровхона» ташкил этилди.

Барча жазони ижро этиш колонияларида «Омбудсман»га, «Прокурор»га, «Ариза ва шикоятлар»га мўлжалланган алоҳида қутилар ўрнатилиб, ушбу қутилар мутасадди идора масъул ходими томонидан муҳрланиб, очилиши йўлга қўйилди.

2026 йил 15 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-1114-сонли қонун билан, айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритилди [7].

Унга кўра, Жиноят кодексининг 741-моддаси озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ даврида маҳкумларда тўғри маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришга қаратилган, белгиланган тартибда тасдиқланган адабиётлар рўйхатидаги китобларни ўқиганлиги факти тасдиқланган тақдирда, унга нисбатан тайинланган жазони ўташ муддати қисқартирилиши мумкинлиги белгиланди.

Бунда, жазони ўташ муддати ҳар бир ўқилган китоб учун уч кунга, бироқ бир йилда кўпи билан ўттиз кунгача қисқартирилиши мумкинлиги қонун билан тасдиқланди.

Шунингдек, Жиноят ижроия кодексининг 164[1]-моддасида жазони ўташ муддатини маҳкум тузалиш йўлига ўтганлиги муносабати билан қисқартиришга тақдим этиш тартиби белгиланди [8].

Хулоса қилиб айтганда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш тизимини либераллаштириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган жиноят-ҳуқуқий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур жараён инсон ҳуқуқлари устуворлиги, шахс қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва жазонинг асосий мақсади сифатида қайта тарбиялаш ҳамда қайта ижтимоийлаштириш ғояларига таянади. Конституция ва бошқа қонунчиликда белгиланган кафолатлар жазони ижро этиш амалиётида репрессив ёндашув-

дан воз кечиб, инсонпарвар ва ҳуқуқий механизмларни қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлил қилинган статистик маълумотлар ва қонунчилик эволюцияси озодликдан маҳрум қилиш жазосининг жамият учун хавфли жиноятларга нисбатан ҳали ҳам муҳим жиноят-ҳуқуқий восита эканини кўрсатади. Бироқ, уни қўллаш билан бир қаторда, жазони ўташ тартибини енгиллаштириш, муқобил санкцияларни кенгайтириш, жазони индивидуал белгилаш ва маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар мутаносиб ва самарали жиноят сиёсатини шакллантирмоқда. Бу эса, жазонинг адолатлилиги ва ижтимоий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, жазони ижро этиш тизимида шаффофликни таъминлаш, назорат ва ҳисобдорлик механизмларини кучайтириш, халқаро стандартларни имплементация қилиш ҳамда маҳкумларнинг фуқаролик, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар Ўзбекистонда инсонпарвар жиноят-ижроия тизими шаклланаётганини кўрсатади. Мазкур ислоҳотлар нафақат маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, балки жиноятчиликнинг олдини олиш, қайта жиноят содир этиш хавфини камайтириш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

У. МИРЗАТИЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти бош илмий ходими, ю.ф.б.ф.д, (Phd)

К. РИХСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий ходим-тадқиқотчиси

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. М.Муқимова. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жиноят қонунини либераллаштириш масалалари.

2. https://stat.sud.uz/criminal.

3. 2023 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-838-сонли қонун.

4. 2024 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-948-сонли қонун.

5. Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 24 августдаги «Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом.

6. 2019 йил 14 мартдаги «Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-530-сонли қонун.

7. 2026 йил 15 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-1114-сонли қонун.

8. Ўзбекистон Республиаси Жиноят-ижроия кодекси.